

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **334** Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ–1958-сон қарорига мувофиқ, томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишни самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

2013-2014 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг кредит линияси ҳисобига тажриба тариқасида томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш учун тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш устувор тартибда:

вегетация даврида сув ресурслари ўртача кўп йил тақчил бўлган суғориладиган ер участкаларида, шунингдек суғориш сувини юқорига кўтаришда катта харажатлар қилинадиган машина билан суғориладиган ерларда;

боғлар, узумзорлар, сабзавот-полиз маҳсулотлари ва бошқа юқори рентабелли экинлар учун ажратилган ер участкаларида;

ирригация эрозиясига учраган кучли нишабли ер участкаларида;

шўрланмаган ва кам шўрланган енгил тупроқли текис ер участкаларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобига томчилатиб суғориш тизимини қуриш тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича мелиоратив ишларни ва бошқа сув хўжалиги ишларини

бажаришга ихтисослашган давлат унитар корхоналари томонидан фойдаланишга тайёр ҳолда амалга оширилади.

3. Белгилансинки:

томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига тежалган сув ресурсларидан бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилади;

Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологиялари учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган ташкилотларга декларация қилинган нархлар бўйича полиэтилен гранула харид қилиш учун ҳар йиллик квоталар ажратилади;

томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларининг бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш учун ажратилган полиэтилен грануладан мақсадли фойдаланиш юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига юкланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳар йили, асосланган ҳисоб-китоблар ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг рўйхатлари бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларга томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларининг бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш учун декларация қилинган нархлар бўйича полиэтилен грануланинг зарур ҳажмини ажратсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

беш кун муддатда томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш бўйича ҳудудий ва туман ишчи гуруҳлари ташкил этилишини;

молиялаштириш учун тижорат банклари билан, лойиҳалаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун лойиҳа ташкилотлари билан ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолда томчилатиб суғориш тизимини қуриш учун мелиоратив ишларни ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослашган давлат унитар корхоналари билан шартномалар тузишда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ёрдам берилишини;

томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг ҳудудий манзилли дастурлари амалга оширилиши, лойиҳаларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши ва тижорат банкларининг кредит маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг ўрнатилишини, мониторинг натижалари бўйича ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилишини таъминласинлар.

6. Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи

комиссия (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб аталади) таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармаси Идоралараро комиссиянинг ишчи органи этиб белгилансин.

7. Идоралараро комиссия:

томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг ҳудудий манзилли дастурига киритилган ҳар бир лойиҳанинг ҳар томонлама муҳокама қилинишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ–1958-сон қарори билан тасдиқланган томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш параметрлари доирасида томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг ҳар йиллик Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин;

томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг ҳудудий манзилли дастурлари амалга оширилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва тижорат банклари раҳбарларининг ҳар чораклик ҳисоботларини эшитсин;

2013-2014 йиллар даврида томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш бўйича тажриба натижаларини ўрганиб чиқсин;

2015 йил 1 январгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида таклиф киритсин.

8. Тижорат банкларига томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш Давлат дастурига киритилган лойиҳалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича кредитлар бериш тавсия қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

ўн кун муддатда ушбу қарор билан тасдиқланган низомларни амалга ошириш ва уларнинг талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Ш. Рўзиев ва Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 21 июнь,  
176-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 21 июндаги 176-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган  
бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва  
молиялаштириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ—1958-сон қарорига мувофиқ томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш Давлат дастурини ҳамда ҳудудий манзилли дастурларни шакллантириш ва тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

3. Қуйидагилар:

томчилатиб суғориш тизимини қўллаган ҳолда суғориш;

ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини полиэтилен плёнка қопланган эгатлар бўйича, қаторлар орасига ишлов берган ҳолда суғориш;

ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини кўчма эгилувчан суғориш қувурлари, сифонлар ва шу кабилар билан суғориш суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларининг устувор турлари ҳисобланади.

4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш устувор тартибда:

вегетация даврида сув ресурслари ўртача кўп йил такчил бўлган суғориладиган ер участкаларида, шунингдек суғориш сувини юқорига кўтаришда катта харажатлар қилинадиган машина билан суғориладиган ерларда;

боғлар, узумзорлар, сабзавот-полиз махсулотлари ва бошқа юқори рентабелли экинлар учун ажратилган ер участкаларида;

ирригация эрозиясига учраган катта нишабли ер участкаларида;

шўрланмаган ва шўрланишга мойил бўлмаган енгил тупроқли текис ер участкаларида амалга оширилади.

5. Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини полиэтилен плёнка қопланган эгатлар бўйича, қаторлар орасига ишлов берган ҳолда суғориш технологияларини:

шўрланмаган ва кам шўрланган ерларда;

ер юзаси кам ва ўртача нишабли ер участкаларида жорий этиш тавсия қилинади.

Суғоришнинг барча зоналарида ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини кўчма эгилувчан суғориш қувурлари орқали нисбатан тоза сув билан суғориш тавсия этилади. Қишлоқ хўжалиги экинларини сифонлардан фойдаланган ҳолда суғориш лоток ва кўтарма каналлардан сув олинадиган барча ерларда тавсия этилади.

6. Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ҳар йили тасдиқланадиган Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш Давлат дастурлари (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) асосида амалга оширилади.

## **II. Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг ҳар йилги Давлат дастурини ҳамда ҳудудий манзилли дастурларини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби**

7. Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг ҳар йилги ҳудудий манзилли дастури (кейинги ўринларда ҳудудий манзилли дастур деб аталади) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг номлари, уларнинг жойлашган жойи, томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш майдонлари, қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари, дастлабки қиймати ва молиялаштириш манбалари кўрсатилган ҳолдаги лойиҳалар рўйхатидан иборат бўлади.

8. Ҳудудий манзилли дастурни шакллантириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қарорлари билан тегишли равишда ҳудудий ва туман ишчи гуруҳлари ташкил этилади.

9. Ҳудудий ишчи гуруҳ таркибига:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳоки-

мининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — худудий ишчи гуруҳ раҳбари;

Марказий банкнинг худудий Бош бошқармаси бошлиғи — худудий ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари;

тижорат банкларининг вилоят бўлинмалари раҳбарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи;

худудий Фермерлар кенгаши раиси;

ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси раҳбари;

ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедиция, шунингдек насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи;

электр тармоғи худудий ташкилоти бошлиғи;

лойиҳа ташкилотлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари киритилади.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси худудий ишчи гуруҳнинг ишчи органи ҳисобланади.

10. Туман ишчи гуруҳи таркибига:

туман ҳокими — ишчи гуруҳ раҳбари;

тижорат банкларининг туман бўлинмалари раҳбарлари;

туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи;

туман Фермерлар кенгаши раиси;

ирригация тизими бошқармаси раҳбари;

ирригация тизимлари бошқармаларининг гидроучасткалари ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедициянинг мелиоратив тизимлари раҳбарлари;

туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи;

электр тармоғи туман ташкилоти бошлиғи;

бошқа манфаатдор ташкилотларнинг раҳбарлари киритилади.

Ирригация тизимининг тегишли бошқармаси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри туман бўлими туман ишчи гуруҳининг ишчи органи ҳисобланади.

11. Туман ишчи гуруҳи ҳар йили 1 февралгача оммавий ахборот воситаларида келгуси йилда томчилатиб сугориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа сугориш технологияларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этишни хоҳловчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг (кейинги ўринларда талабгорлар деб аталади) лойиҳаларини танлаш, шунингдек уларни танлаш шартлари тўғрисида эълон беради.

12. Томчилатиб сугориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа сугориш технологияларини жорий этишни хоҳловчи талабгорлар ҳар йили 1 мартгача туман ишчи гуруҳига хат-ариза билан мурожаат қиладилар.

Хат-аризага қўйидагилар илова қилинади:

томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳанинг бизнес-режаси;

суғориш участкаларининг контурлари, уларнинг балл-бонитети ва суғориш манбалари кўрсатилган ҳолда ер участкасининг масштабли харитаси; охирги уч йилда суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланганлиги ва мелиоратив ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

охирги уч йилда ёхуд амалда фойдаланилган даврда ер участкаларидан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тўғрисидаги маълумотлар;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг хўжалик фаолияти ва молиявий ҳолати, шунингдек кредит олиш учун гаров билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ариза берувчининг лойиҳани биргаликда молиялаштириш учун ўз маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ер-сув ресурслари, лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги асосий маълумотлар кўрсатилган ҳолда лойиҳага аннотация.

Туман ишчи гуруҳи юқорида кўрсатилган маълумотларни ва зарур ҳужжатларни тўплашда талабгорларга кўмаклашади.

Лойиҳанинг бизнес-режаси ва бошқа маълумотлар талабгор томонидан мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни шартнома асосида жалб этган ҳолда тайёрланади.

13. Туман ишчи гуруҳи ҳар йили 1 апрелгача:

жойига борган ҳолда томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишни хоҳловчи талабгорларнинг хат-аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганади;

ҳар бир лойиҳа бўйича томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги асосланган хулосани тайёрлайди;

энг устувор лойиҳаларни танлайди ва келгуси йил учун томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш бўйича туман манзилли дастури лойиҳасини шакллантиради.

14. Келгуси йил учун томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш туман манзилли дастури лойиҳаси (кейинги ўринларда туман манзилли дастури лойиҳаси деб аталади):

лоийҳанинг, талабгорнинг номи ва суғориш манбаи, ер участкаси контури рақами, қишлоқ хўжалиги экинининг майдони ва тури, лойиҳанинг дастлабки қиймати, молиялаштиришнинг мўлжалланаётган манбалари (банк кредити, талабгорнинг ўз маблағлари), молиялаштирувчи тижорат банкларининг номлари ва бошқаларни;

кутилаётган самара кўрсатилган ҳолда туман манзилли дастури лойиҳасининг аннотациясини ўз ичига олади.

15. Туман ишчи гуруҳининг туман манзилли дастури лойиҳасини маъқуллаш тўғрисидаги қарори гуруҳнинг ҳар бир аъзоси билан келишган ҳолда баённома билан расмийлаштирилади.

Туман манзилли дастурининг маъқулланган лойиҳаси талабгорларнинг аризалари, туман ишчи гуруҳи раҳбарининг хати билан биргаликда ҳар йили 15 апрелгача кўриб чиқиш учун ҳудудий ишчи гуруҳга киритилади.

16. Ҳудудий ишчи гуруҳ:

туман манзилли дастурлари лойиҳаси тақдимотини ташкил этади, туман манзилли дастури лойиҳасига киритилган ҳар бир лойиҳани батафсил муҳокама қилади;

молиялаштириш манбаларини, ҳар бир лойиҳанинг асосланганлиги ва самарадорлигини ўрганади ва зарурият бўлганда туман манзилли дастури лойиҳасига тузатишлар киритади;

ҳар йили 1 майгача туман манзилли дастурлари лойиҳаларини умумлаштиради ва тасдиқланган прогноз параметрлар доирасида томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг ҳудудий манзилли дастури лойиҳасини (кейинги ўринларда ҳудудий манзилли дастур лойиҳаси деб аталади) ишлаб чиқади.

Ҳудудий манзилли дастур лойиҳаси куйидагилардан иборат бўлади:

лойиҳалар ва талабгорлар сони, лойиҳаларнинг майдони ва дастлабки қиймати, қишлоқ хўжалиги экинлари турлари, молиялаштириш манбалари (банк кредити, талабгорнинг ўз маблағлари), молиялаштирувчи тижорат банкларининг номлари ва бошқалар кўрсатилган ҳолда туманлар бўйича лойиҳаларнинг йиғма рўйхати;

лойиҳанинг, талабгорнинг номи ва суғориш манбаи, ер участкаси контури рақами, қишлоқ хўжалиги экинлари майдони ва тури, лойиҳанинг дастлабки қиймати, молиялаштириш манбалари (банкнинг кредити, талабгорнинг ўз маблағлари), молиялаштирувчи тижорат банклари номлари ва бошқалар кўрсатилган ҳолда туманлар бўйича лойиҳалар рўйхати;

кутилаётган самара кўрсатилган ҳолда ҳудудий манзилли дастур лойиҳасининг аннотацияси.

Ҳудудий ишчи гуруҳнинг туман манзилли дастури лойиҳасини маъқуллаш тўғрисидаги қарори гуруҳнинг ҳар бир аъзоси билан келишган ҳолда баённома билан расмийлаштирилади.

17. Ҳудудий ишчи гуруҳ раҳбарлари ҳар йили 15 майгача Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи ишчи комиссияга (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб аталади) ҳар бир лойиҳанинг аннотациясини илова қилган ҳолда ҳудудий манзилли дастурнинг маъқулланган лойиҳасини киритадилар.

18. Идоралараро комиссия ҳар йили:

25 майгача — ҳудудий ишчи гуруҳлар раҳбарлари билан биргаликда ҳудудий манзилли дастурлар лойиҳаларини муҳокама қилади;

10 июнгача — томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш параметрлари доирасида ҳудудий манзилли дастурлар лойиҳаларини умумлаштиради ва Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқади.

Давлат дастури лойиҳаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

лойиҳалар ва талабгорларнинг сони, лойиҳаларнинг майдони ва дастлабки қиймати, қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари, молиялаштириш манбалари (банк кредити, талабгорнинг ўз маблағлари), молиялаштирувчи тижорат банкларининг номлари ва бошқалар кўрсатилган ҳолда ҳудудлар бўйича лойиҳаларнинг йиғма рўйхати;

лойиҳа ва талабгорнинг номи ва суғориш манбаи, қишлоқ хўжалиги экинлари майдони ва тури, лойиҳанинг дастлабки қиймати, молиялаштириш манбалари (банк кредити, талабгорнинг ўз маблағлари), молиялаштирувчи тижорат банкларининг номлари ва бошқалар кўрсатилган ҳолда ҳудудлар ва туманлар бўйича лойиҳалар рўйхати;

кутилаётган самара кўрсатилган ҳолда Давлат дастури лойиҳасининг аннотацияси.

19. Жамғарма ҳар йили 15 июнгача Идоралараро комиссияга келгуси йилда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратиладиган Жамғарма кредит линияси маблағларининг дастлабки ҳисоб-китоб ҳажминини тақдим этади.

20. Келгуси йилда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратиладиган Жамғарма кредит линияси маблағларининг дастлабки ҳисоб-китоб ҳажми ҳар йили 25 июнгача кўриб чиқилади ҳамда тижорат банклари ва ҳудудлар бўйича тақсимланади.

21. Идоралараро комиссия келгуси йилда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратиладиган Жамғарма кредит линияси маблағларининг ҳисоб-китоб ҳажминини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаларни молиялаштириш манбалари юзасидан Давлат дастури лойиҳасига тузатиш киритади.

22. Идоралараро комиссиянинг Давлат дастури лойиҳасини маъқуллаш тўғрисидаги қарори комиссиянинг ҳар бир аъзоси билан келишган ҳолда баённома билан расмийлаштирилади.

23. Идоралараро комиссия раҳбари ҳар йили 1 июнгача келгуси йилга Давлат дастури лойиҳасини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгашига (кейинги ўринларда Жамғарма Кенгаши деб аталади) киритади ва унинг тақдимотини ташкил этади.

Келгуси йил учун Давлат дастури ҳар йили 1 июлгача Жамғарма Кенгаши томонидан тасдиқланади.

### **III. Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш Давлат дастурини амалга ошириш**

24. Келгуси йил учун Давлат дастури асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва туманлар ҳокимлари 15 июлгача келгуси йил учун томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг тегишли ҳудудий ва туман

дастурларини (кейинги ўринларда ҳудудий ва туман дастурлари деб аталади) тасдиқлайдилар ва танланган талабгорларга етказадилар.

25. Ҳудудий ва туман ишчи гуруҳлари ҳудудий ва туман дастурлари асосида талабгорлар билан биргаликда ҳар йили 1 ноябргача ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланишини ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларида экспертизадан ўтказилишини таъминлайдилар.

26. Қўйдагилар лойиҳаларни молиялаштириш манбалари ҳисобланади: томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш лойиҳалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) кредит линияси маблағлари, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ўз маблағлари, шу жумладан тижорат банкларининг кредитлари;

сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш лойиҳалари бўйича — қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ўз маблағлари, шу жумладан тижорат банкларининг кредитлари.

27. Томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни Жамғарманинг кредит линияси ҳисобига молиялаштириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Томчилатиб суғоришни қуриш сифатини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ва молиялаштирувчи тижорат банклари томонидан, муаллифлик назорати эса — лойиҳа ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

29. Томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича тугалланган лойиҳани фойдаланишга қабул қилиш белгиланган тартибда туман ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 21 июндаги 176-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**2013-2014 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг  
мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг кредит  
линияси ҳисобига тажриба тариқасида томчилатиб суғориш  
тизимини жорий этиш учун тижорат банклари томонидан  
қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига  
кредитлар бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ–1958-сон қарорига мувофиқ тижорат банклари (кейинги ўринларда банк деб аталади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) кредит линияси маблағлари ҳисобига томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кредитлар бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Жамғарманинг кредит линияси** — томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш бўйича қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун Жамғарма томонидан ажратиладиган мақсадли маблағлар;

**Давлат дастури** — Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш Давлат дастури.

**II. Банкларда Жамғарманинг кредит линиясини  
очиш тартиби**

3. Жамғарма томонидан очиладиган барча кредит линияларининг миқдори Жамғарма йиллик бюджети харажатлар қисмининг 5 фоизидан ортиқ бўлмайди.

4. Жамғарманинг кредит линиясини очиш учун Жамғарма ва тижорат банки (кейинги ўринларда банк деб аталади) ўртасида Бош битим тузилади.

5. Бош битимда Жамғарманинг очиладиган кредит линиясига хизмат кўрсатишнинг асосий шартлари, шу жумладан ўзаро мажбуриятлар, лойиҳанинг ўзини ўзи қоплаши ҳисобга олинган ҳолда кредит бериш муддатла-

ри, имтиёзли давр берилиши шартлари, имтиёзли фоиз ставкаси миқдори, банкнинг маржаси ва бошқалар белгиланади.

6. Бош битим имзолангандан кейин банк ва Жамғарма ўртасида кредит шартномаси тузилади.

7. Банк ва Жамғарма ўртасида тузиладиган кредит шартномасида қуйидаги асосий шартлар бўлиши керак:

Жамғарма кредит линияси маблағларининг йиллик суммаси миқдори; банк маржаси чиқариб ташланган ҳолда имтиёзли фоиз ставкаси миқдори;

Жамғарманинг кредит линияси маблағларидан фойдаланиш мақсадлари; Жамғарманинг кредит линияси маблағларидан банк томонидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби;

Жамғарманинг кредит линияси амал қилиши муддати; банк томонидан Жамғарманинг кредит линияси маблағлари қайтарилиши муддатлари ва шартлари.

8. Жамғарма кредит шартномасида кўрсатилган маблағлар суммасини кредит шартномаси кучга кирган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида банкнинг корреспондентлик ҳисоб рақамига ўтказилади.

9. Кредит шартномасининг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин банк Жамғарманинг вазначилик ҳисоб рақамига ҳисобланган фоизларни ҳисобга олган ҳолда Жамғарманинг кредит линияси маблағларини, улар қарз олувчилар томонидан амалда қайтарилишидан қатъи назар, қайтаришга мажбур.

10. Жамғарманинг кредит линиясидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш мақсадида Жамғарма томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш учун берилган кредитлар бўйича банкнинг ҳужжатларини ўрганишга ва лойиҳанинг амалга оширилиши ҳолатини банк вакиллари билан биргаликда жойларга борган ҳолда текширишга ҳақлидир.

Жамғарма кредит линиясининг ажратилган маблағларидан банк томонидан бошқа мақсадларда фойдаланилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда Жамғарма банкдан бошқа мақсадларда фойдаланилган Жамғарма кредит линияси қисмини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш ва кредит шартномасида назарда тутилган жавобгарлик чораларини қўллаш ҳуқуқига эгадир.

Банк банк ва Жамғарма ўртасида тузилган кредит шартномасида белгиланган шартларга мувофиқ Жамғарма талабларини бажаришга мажбур.

11. Банклар Жамғарманинг кредит линияси маблағларини ўзлаштиришнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотни қарз олувчилар рўйхатини илова қилган ҳолда йилнинг ҳар чорагида — Жамғармага ва ҳар ойда — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этадилар.

Тақдим этилган маълумотлар асосида Жамғарма ва банк томонидан йилнинг ҳар чорагида Жамғарманинг кредит линияси маблағларидан фойдаланилиши бўйича ўзаро таққослаш далолатномаси тузилади.

12. Жамғарманинг кредит линияси миқдорини кўпайтириш учун Жамғарма ва банк ўртасида кредит шартномасига қўшимча битим тузилади.

13. Жамғарманинг кредит линияси бўйича олинган маблағлар ҳисоби

банклар томонидан 22005 — «Бюджетдан ташқари фондларга тўлаш учун узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисоб рақамида юритилади.

### **III. Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш учун банклар томонидан кредитлар бериш шартлари**

14. Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш учун кредитлар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланадиган юридик шахсларга берилади.

Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кредитлар фақат ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ҳудудий органларида экспертизадан ўтказилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (ишчи лойиҳа) мавжуд бўлган тақдирда Давлат дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун берилади.

15. Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кредит бериш, қоидага кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда, 6 ойлик имтиёзли давр билан, камида 3 йил муддатга, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг маржаси ҳисобга олинган ҳолда, имтиёзли фоиз ставкаси бўйича амалга оширилади.

Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига кредитлардан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 6%, шу жумладан банк маржаси — 3% миқдорда белгиланади.

16. Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига томчилатиб суғориш тизимини жорий этишга кредит олиш учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан банкка ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилади.

17. Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига кредитлар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига муддатлилик, қайтариш, тўлов, таъминланганлик ва мақсадли фойдаланиш тамойиллари асосида берилади.

### **IV. Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига кредитлар бериш учун банклар томонидан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг буюртманомаларини кўриб чиқиш тартиби**

18. Давлат дастурига киритилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига кредит олиш учун ўзларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкка мурожаат қилишлари керак.

19. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига кредит олиш учун хизмат кўрсатувчи тижорат банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

кредит олишга буюртманома;  
пул оқимлари прогнози мажбурий кўрсатилган ҳолдаги бизнес-режа;  
ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ҳудудий органларида экспертизадан ўтган томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари (ишчи лойиҳа);

Давлат солиқ қўмитасининг маҳаллий (туман) органи томонидан тасдиқланган охириги ҳисобот санаси учун бухгалтерия баланси (1-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома (2а-шакл), шунингдек тўқсон кундан ортиқ муддат бўйича қарздорликни таққослаш далолатномалари, ҳисобот бериш санасидаги молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл).

20. Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи таъминланганликка эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка таъминланганликнинг қуйидаги турларидан бирини ёки бир нечтасини тақдим этиши мумкин:

гаровга қўйиладиган мол-мулк ёки қимматли қоғозлар;  
банкнинг ёки суғурта ташкилотининг кафолати;  
кафиллик;

олинган кредит қарз олувчи томонидан қайтарилмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.

Кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган асбоб-ускуна ҳам унинг қийматининг 80 фоизига тенг миқдорда гаров предмети бўлиши мумкин.

21. Банк қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олингандан кейин ўн иш куни мобайнида кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилиши ёки кредит беришнинг асосли рад этилганлигини ёзма шаклда маълум қилиши керак.

22. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан кредит буюртманомаси маъқулланган ва Жамғарманинг кредит линияси бўйича маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда хизмат кўрсатувчи банк ўша куннинг ўзида бош банкка ушбу кредит линияси бўйича маблағлар ажратилиши юзасидан буюртманома — талабномани юборди.

Банк хизмат кўрсатувчи банкнинг буюртманома — талабномаси асосида буюртманома — талабнома олинган санадан кейинги кундан кечикмай Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига сўралаётган суммани ажратади.

Бунда Жамғарманинг кредит линияси мавжуд бўлмаганда банк унга Жамғарманинг кредит линиясини очиш учун Жамғармага мурожаат қилади.

23. Хизмат кўрсатувчи банк Жамғарманинг кредит линияси маблағлари вақтинча мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хабар олингандан кейин бундай маълумот олингандан кейинги кундан кеч бўлмаган муддатда бу ҳақда қарз олувчини хабардор қилади.

Айни бир вақтда банк томонидан лойиҳалари банкнинг кредит қўмитаси

томонидан маъқулланган қарз олувчиларнинг кредитга буюртманомалари кредит қўмитаси томонидан маъқулланган сана ҳисобга олинган ҳолда календарь бўйича навбатлилик тартибида қарз олувчилар рўйхати тузилади.

Жамғармадан маблағлар олингандан кейин Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига кредитлар бериш банкнинг кредит қўмитаси ёки унинг филиали томонидан лойиҳалари маъқулланган қарз олувчилар рўйхатига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади.

Банкнинг корреспондентлик ҳисоб рақамига Жамғарманинг кредит линияси маблағлари тушгандан кейин беш иш куни мобайнида банк қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кредит бериш ёки кредит линияси маблағларининг берилмаган қисмини Жамғармага қайтариш мажбуриятини олади.

24. Қарз олувчилар банкка тақдим этиладиган маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлиги, лойиҳаларни амалга ошириш параметрларининг ўз лойиҳа-смета ҳужжатларига ва бизнес-режасига мувофиқлиги учун жавоб берадилар.

Лойиҳа ташкилотлари ва экспертиза органлари техник ечимлар қабул қилиниши ва лойиҳа-смета ҳужжатларига асос қилиб олинган нархларнинг асосланганлиги учун жавоб берадилар.

#### **V. Кредитларни бериш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш мониторингини юритиш тартиби**

25. Кредитлар мижозлар томонидан талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақамлари очилган банклар томонидан берилади.

Кредитлар бериш алоҳида ссуда ҳисоб рақами очиш ва қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида нақд бўлмаган пул шаклида товар-моддий бойликлар учун ушбу ҳисоб рақамидан тўлаш йўли билан амалга оширилади.

26. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига берилган кредитлар ҳисоби тегишли баланс ҳисоб рақамларида амалга оширилади.

27. Жамғарманинг кредит линиясини очиш учун банк томонидан тақдим этилган маблағлар ҳисоби Жамғарма томонидан алоҳида вазначилик ҳисоб рақамида юритилади.

28. Банк кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати мобайнида Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ўзлаштирилиши устидан доимий мониторинг олиб боради. Доимий мониторинг томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳани амалга оширишда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга йўналтирилган бўлиши керак.

29. Мониторинг жараёнида банк қарз олувчининг кредит лаёқатини мунтазам равишда таҳлил қилади.

Банкка тақдим этилган гаров предметининг ҳолати, шунингдек кредитдан самарали ва мақсадли фойдаланиш жойига бориб текширилади.

30. Берилган кредитдан бошқа мақсадда фойдаланиш ҳоллари аниқлан-

ган тақдирда банк кейинчалик кредит беришни рад этишга ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан кредит суммасини муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ва кредит шартномасида назарда тутилган жавобгарлик чораларини қўллашга ҳақлидир.

31. Беш иш куни мобайнида фойдаланилмаган ва Жамғармага қайтарилмаган Жамғарманинг кредит линияси маблағлари учун банк Жамғармага Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан паст бўлмаган миқдорда фоизлар тўлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 21 июндаги 176-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган  
бошқа суғориш технологияларини жорий этиш бўйича  
Идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия  
ТАРКИБИ**

1. Ш. Хамраев — қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари, Идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия раиси
2. С. Шерматов — иқтисодиёт вазирининг ўринбосари
3. Б. Юсупов — молия вазирининг биринчи ўринбосари
4. С. Арабов — Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси
5. С. Турдиев — Ўзбекистон Фермерлар кенгаши раиси
6. У. Мустафаев — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари
7. А. Юсупов — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти директори
8. А. Тамикаев — «Агробанк» акциядорлик тижорат банки раиси
9. У. Абдуллаев — «ЎзГИП» масъулияти чекланган жамият раҳбари
10. М. Нажимов — «Ўзсувлойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти раҳбари
11. Р. Мамутов — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Изоҳ:

Комиссия таркибидаги шахслар бошқа ишга ўтганда ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар унинг таркибига киритилади.